

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ**

Санъатшунослик кафедраси

**“Эркин Воҳидов драматургияси ва
унинг саҳна талқини”**

Санъатшунослик-журналистика бўлимининг 4-босқич
талабаси Раъно Абдуллаеванинг

Малакавий битирув иши

Курс раҳбари:
с.ф.н., проф., Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси

_____Т.И.Исломов
“ ” _____2010 йил

Илмий раҳбар:
санъатшунослик фанлари
доктори, профессор

_____С.М.Қодирова
“ ” _____2010 йил

ТОШКЕНТ – 2010

МУНДАРИЖА

Кириш.....	2-8
Асосий қисм	
Биринчи боб	
Эркин Воҳидов драматургияси сахна шоҳсупасида.....	9-20
Иккинчи боб	
Эркин Воҳидов дostonларининг драматургияда тутган ўрни.....	21-33
Учинчи боб	
Эркин Воҳидов ижодий фаолиятига чизгилар.....	34-46
Хулоса.....	47-52
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	53-54
Илова	

Кириш

«Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак.»

И.Каримов.

Театр улуғ даргоҳ. Унда қўйиладиган спектакллар эса маънавиятимизни юксалтиришда хизмат қилувчи воситалардан биридир. Президентимиз айтганларидек, "Қачонки миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Театр бу ибратхонадир", деб айтган фикрини эслаш ўринлидир"¹.

Бизнинг миллий театр санъатимиз тарихан жуда катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг қадимий илдизлари халқ ўйин ва томошаларига боғланади. XX асрга келиб янги шаклдаги ўзбек театр санъати анъана ва тажрибалар асосида вужудга келгани ва камол

¹ Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: "Маънавият", 2008, 144-бет

топганини эътироф этиш зарур. Хусусан, пойтахтимиз ва вилоят театрларида намоёиш этилган дунё сахна санъатининг мумтоз намуналари ўз вақтида нафақат юртимиз, балки чет эл томошабинларини ҳам ҳайратда қолдиргани сир эмас. Шу билан бирга, театр ижодкорларимиз томонидан яратилган кўплаб миллий руҳдаги сахна асарлари хорижий мамлакатларда ҳам муваффақият билан ижро этиб келинади.

Инсон, унинг маънавий оламини кашф этадиган бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётни инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳиятининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта. Халқимиз орасидан мана шу ғоят машаққатли соҳага бутун ҳаёти ва ноёб истеъдодини бағишлаб, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарлар яратган буюк сўз санъаткорлари етишиб чиққани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Ана шундай ўзбек миллий адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири атоқли шоир ва драматург, жамоат арбоби Эркин Воҳидов номини алоҳида тилга олиш жоиздир. Адибнинг ўзига яраша ижод йўли, яъни шоирлиги барчамизга аён. Айниқса, “Нидо” (1964), “Палаткада ёзилган достон” (1966), “Ёшлик девони” (1969) сингари достон ва шеърий тўпламлари нашр этилиб, йирик шоир сифатида танилгач, драматургияга кириб келган. 1970-йили, ҳозирги Миллий академик драма театрида унинг “Олтин девор” деган биринчи пьесаси сахнага қўйилади. Шу билан адиб асарини сахнага қўйган Тошхўжа Хўжаев бошлиқ ижодий жамоага боғланиб қолади. Доим театр спектакллари томоша қилиш билан бир қаторда, актёр,

режиссёрлар билан ижодий ҳамкорлик қила бошлайди. “Мен ундаги бирорта ҳам премьерани қолдирмасликка ҳаракат қиламан, ҳатто соатлаб репетицияларни ҳам кузатаман”¹,- деган эди.

Лекин адиб узоқ йиллар пьеса ёзмай қўйди. “Драма ёзиш учун ниҳоятда катта муҳлат, уч-тўрт ой, хотиржамлик ҳам керак, пьесани ҳеч қачон бўлиб-бўлиб ёзиб бўлмайди. Уни яхлит ўтириб ёзиш зарур, ишончим комилки, ана шундай вақтга муяссар бўламан”²,-деган эди драматург.

Шундай ўйланган пьеса 1988-йили “Истанбул фожеаси” номи билан академик драма театри сахнасидан ўрин олди. (режиссёр Н.Отабоев.)

Булардан ташқари, илгари ёзилиб, фақат истиқлол даврида дунё юзини кўрган “Иккинчи тумор” трагикомедияси ҳамда “Ойжамол” опера либреттоси Эркин Воҳидов драматургия ижодини жанр нуқтаи назаридан ҳам бойиб бораётганини кўрсатади.

Ҳаммамиз яхши биламизки, адабиётда тарихий ҳақиқатни тиклаш билан бирга, халқимиз адибларимиздан бугунги кунимиз, замонамиз қаҳрамонлари ҳақида янги-янги асарлар кутаётгани табиийдир. Бежизга юртбошимиз, “Ишонамизки, ёзувчи ва драматургларимиз ҳам бугунги авлодларнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти замондошлари-мизнинг маънавий - руҳий дунёси, ҳаётга кириб келаётган ва ҳал қилувчи кучга айланаётган ёшларимизнинг пок орзу -интилишлари ўзининг теран бадиий

¹Турсунбоев С. Театр тарихи. Т.: 2005 й., 211-б.

² Турсунбоев С. Театр тарихи. Т.: 2005 й., 211-б.

ифодасини топган янги асарлар билан халқимизни хушнуд этадилар”¹, деган сўзларни келтириб ўтмаганлар. Яхши асарлар қанчалик кўп бўлса, театрда томошабин доим муаммосиз ташриф буюради.

Драматургия адабиётнинг ажралмас қисми бўлиб, у кишилар маънавий тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Инсон онгига бевосита таъсир этиш орқали унинг тафаккурини юксак даражага кўтарадиган асарлар яратиш драматургия олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ҳаётни бадиий қиёфада акс эттириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу иш драматурглардан юксак иқтидор, кучли салоҳият ва маҳоратни талаб этади. Драматургик жиҳатдан мукаммал ёзилган асарлар ҳар бир даврда китобхонлар томонидан қадрланиб келинган. Улар асосида сахналаштирилган спектакллар ҳам театр ихлосмандлари қалбидан чуқур жой олган. Саид Аҳмаднинг "Келинлар қўзғолони", Уйғуннинг "Парвона", Шароф Бошбековнинг "Темир хотин", Эркин Воҳидовнинг "Олтин девор" асарлари шулар жумласидандир.

Лекин бугунги кунда ўзбек драматургияси ўз вазифасини тўлиқ адо этаяпти дея олмаймиз. Бунга сабаб театр репертуарларидаги маиший мавзулардаги спектакларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлигидир. Томошабини театрга жалб қилиш мақсадида айнан шу мавзудаги асарларга мурожаат этаётган театр ижодкорлари томошабинларнинг савиясини юксалтириш ўрнига уларни бир

¹ Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: "Маънавият", 2008й., 138-бет

қолипга тушиб қолишларига сабаб бўлмоқдалар. Бунга бир жиҳатдан драматурглар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар десак хато қилмаган бўламиз.

Мавзунинг долзарблиги. Драматургия ўзига хос адабиёт тури бўлиб, театр санъати билан узвий боғлиқ. Драматургия намунаси сахна юзини кўргандагина драматург ўз вазифасини буткул адо этган бўлади. Мазкур малакавий битирув ишида драматург, жамоат арбоби Эркин Воҳидов ижодига, хусусан драматургияси ва сахна талқинига алоҳида аҳамият берилди. Мавзунинг долзарблиги шундаки, ишда драматург Эркин Воҳидовнинг сахна асарлари Ҳамза (ҳозирги Миллий) академик драма театрида сахналаштирилган “Олтин девор”, “Истамбул фожеаси” каби зуваласи пишиқ, ғоявий юки оғир асарлар бадиийлик даражаси ва тарбиявий аҳамияти нуқтаи назаридан тадқиқ этилади. Драматургнинг сахна асарларидаги воқеалар бугунги кун томошабинини бефарқ қолдирмайди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Ишдан кутилган асосий мақсад Эркин Воҳидов драматургияси ва унинг сахна талқинини тадқиқ этиш орқали замонавий ўзбек драматургиясида тутган ўрни ва аҳамияти кўрилади.

Эркин Воҳидов асарлари асосида сахналаштирилган спектаклларни ўрганиш, тарғиб қилиш, илмий асосда таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланади:

- Эркин Воҳидов драматургиясининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини аниқлаш;

- “Олтин девор” сахна асарининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

- Эркин Воҳидов проза, поэзия намуналарининг драматургиясида тутган ўрнини белгилаш.

Ишнинг тадқиқот объекти ва предмети. Малакавий битирув ишининг тадқиқот объекти сифатида Эркин Воҳидов драматургияси ва сахна талқини ўрганилади. Тадқиқотнинг предмети сифатида Эркин Воҳидов драматургияси ва унинг асарлари асосида сахналаштирилган спектаклларга фикр ва мулоҳазалар билдирилади.

Ишнинг илмий янгилиги. Мазкур битирув малакавий ишда илк бора яхлит тарзда Эркин Воҳидов драматургияси ва унинг асосида яратилган сахна асарлари санъатшунослик-журналист нуқтаи назаридан тадқиқ этилади. Тадқиқотчи муаллифнинг нафақат драматургик ижод намуналарига шунингдек, насрий асарларининг драматургиясида тутган ўрнига ҳам алоҳида урғу беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуни ўрганиш жараёнида шуларга амин бўлдикки, бу мавзу яхлит ўрганилмаган. Асосан, Эркин Воҳидовнинг шоирлик қирраларига эътибор бериб таҳлил қилинган, драматургик ижод фаолияти четда қолиб кетган.

Ўзбек драматургиясига кўплаб адабиётларда ва матбуот нашрларида турли хил фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, малакавий битирув ишда Ҳ.Абдусаматов, Н.Зоҳидова, С.Турсунбоев, Т.Турсунов, О.Ризаев монография қўлланмаларига мурожаат қилинди. Уларда кўтарилган масалалар ўзининг долзарблиги билан ишда аҳамият касб этади.

Ишнинг тузилиши. Малакавий иш Кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар, иловадан иборат. Иловада Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига мансуб намуналардан келтирилади.

I-БОБ

Эркин Воҳидов драматургияси сахна шоҳсупасида

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ижодига назар ташлар эканмиз, бу серқирра ижодкорни машҳурлик шоҳсупасига кўтарган, уни элга танитган қувноқ комедик асари "Олтин девор" ҳақида тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Драматург асарда 60-70-йиллар даврига хос муаммоларни кўтариб чиққан бўлса-да, ҳозирги ҳаётимизда ҳам бу ечими йўқ муаммолар ўз долзарблигини йўқотмаган. Асардаги шу йилларда авж олган очкўзлик, таъмагирлик, бойликка ҳирс қўйиш, давлат миқёсидаги талончиликлар каби иллатлар минг афсуски, ҳозирги кунда ҳам ҳаётимизда учраб туради. Бойликка ўчлик азал-азалдан инсонларни қон-қонига сингиб кетган. Нафсни тийиш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Яхши яшаш учун бойлик орттириш балки тўғридир, аммо ортиқча юкнинг ҳам белга зарари бор. Шундай экан, ҳар бир инсон "Кўрпангга қараб оёқ узат", деган нақлга амал қилган ҳолда ҳалол меҳнат қилиб ризқ-насибасини топиши зарур. Бу ҳар қандай жамиятда ҳам энг олий, саодатли иш ҳисобланади.

Эркин Воҳидов қаламига мансуб "Олтин девор" асарининг сахналаштирилиши омадли келди. Комедия Ҳамза номли (ҳозирги Миллий академик драма) театрида режиссёр Тошхўжа Хўжаев томонидан қувноқ, ибратли ва ўткир юморга бой тарзда сахналаштирилган. Шу сабабли, бу спектакль ўн беш йил давомида сахнадан тушмади. Режиссёрнинг аввалги спектаклларида хос

бўлганидек, ушбу спектаклда ҳам унинг миллий ўзига хосликини, халқимиз характеридаги бетакрор қирраларини яхши билиши сезилади.

40 йил ёнма-ён қўшни бўлиб яшаб келган, эндиликда бир-бирини яхши кўрган фарзандларининг тўйида олинадиган қалин пули туфайли уришиб қолган Мўмин ва Абдусаломлар ўртасидаги зиддият спектаклда ҳазилнамо ўзаро тортишувларда ривожланади. Абдусалом образи Амин Турдиев ижросида ўткир сатирик руҳда яратилган бўлса, Мўмин эса Ғани Аъзамов ижросида ўзининг ёрқин рангларида тўлаллиги билан ажралиб туради.

Мўмин (Ғани Аъзамов) эски девордан топилган хазина ҳалол ва содда одамнинг юрагини мураккаб туйғуларга тўлдиради. Бу ҳолат виждоннинг нафс туйғулари билан олишув жараёни, яъни осмондан тушган пул можароси актёр томонидан ажойиб ижро этилади ҳамда спектаклда кулгили вазиятларни юзага келтиради. Пировард натижада қаҳрамоннинг "изтироблари" орқада қолиб, кекса Мўминнинг маънавий дунёси ғолиб чиқади.

Қуйида муаллифнинг Мўмин образини талқин этган актёр Ғани Аъзамов ҳақидаги фикрларини айтиб ўтишни жоиз деб топдик: "Мен "Олтин девор"ни Ғани Аъзамовни кўз олдимга келтириб ёзгандим, - деб ҳикоя қилади Эркин Воҳидов¹. - Драматургияда шунақа бўлса керак-да! Қаҳрамонингизни бирон актёр қиёфасида кўргандек бўларкансиз.

Хуллас, асар ёзилди. Театрда репетициялар бошланди. Эсимда бор, сахнада артистлар машқ қилишаётган пайтлардаёқ томоша

¹ "Олтин девор" унга аталган эди... "7x7" рўзномаси, 30 апрель 2009 й., 42-б.

залининг ярми тўлиб кетарди. Театрда ишлайдиган хизматчилар, қоровулар, фаррошлар, ҳамма залга кириб олар эди. Мен ана ўшандаёқ Ғани Аъзамов ижросидаги бу спектакль муваффақиятли чиқишини ички бир туйғу билан ҳис қилганман ва асардаги Уста Мўмин образини айнан шундай истеъдодли актёрга ёзганимдан қувонгандим..."¹.

Ҳақиқатан ҳам, "Олтин девор" нафақат Ғани Аъзамовнинг ўзига, балки Миллий театрда, қўйингки, ўзбек саҳна санъатига ҳам катта шуҳрат келтирган асар бўлиб қолди. У жуда тез халқ орасида машҳур бўлиб кетди ва халқнинг оғзига тушди.

Ғани Аъзамов ижро этган содда ва кўнгилчан аммо хумчада тилла топиб олиб, довдираб қолган қоровул чол образи халқимизнинг сеvimли қаҳрамонлари сафидан муносиб ўрин олди. Турган гап, бунда энг аввало, Ғани Аъзамовнинг хизмати катта бўлган эди. Актёрнинг ўзи ушбу спектаклда талқин этган образи ҳақида эслаб шундай деган эди: "Олтин девор"даги Мўмин ролини саҳнага олиб чиқишим осон кечмаганди. Аввалига сира қовушолмаганим эсимда. Ҳатто образни етилтириш учун "Руҳий касалликлар шифохонаси"га ҳам борганман, Ғуломжон деган бош врач билан ҳам учрашгандим. Ўшанда руҳий хаста беморларни кўриб ҳам раҳмим келган, ҳам кулгим қистаганди. Шундан кейин спектаклдаги керакли ҳаракат ва ҳолатларни ўрганиб, образимга татбиқ қилгандим..."².

¹ "Олтин девор" унга аталган эди... "7x7" рўзномаси, 30 апрель 2009 й., 43-б.

² Ўша манъба.

Асар ўзбек халқи маросимларидан бири саналмиш тўй олдида
бўладиган қудалар ўртасидаги можаролардан бошланади. Бири дўкон
қоровули, бири эса ямоқчи бўлган икки дўст, девор-дармиён қўшни
Мўмин ва Абдусалом бир умр ўртамиёна яшаб тирикчилик
қиладилар. Аммо қуда бўлиш масаласи кўндаланг келганда,
Абдусаломнинг ямоқчилиги эсидан чиқиб, ўзини катта амалдордек
фараз қилади ва қирқ йиллик оғайнисини ўзига тенг кўрмайди.
Мўмин айтганидек, ўзи битта сўзанига суянган ямоқчи-ю, дағдағаси
оламни бузадиган, тўй қилмоқчи бўлган Абдусалом эл-юртни ошири
еган, ҳиммати баланд кишилардан эди. "Беҳуда зўрлик умуртқани
синдиради" деган нақлга амал қилувчи Мўмин эса оғайнисининг тўрт
қоп ун, икки қоп гуруч, икки қўй, битта новвос, бош-оёқ сарпо, яна
қанча пул каби талабларига "Ў-ҳў, Тантибойвачча бўлиб кет-э! Қирқ
йиллик қиёматли қўшни бўлиб, ҳали ҳам сени билмаган эканман", -
деб жавоб қилади. Дарҳақиқат, халқимизнинг "ўйнаб гапирсанг ҳам
ўйлаб гапир" деган нақли Абдусалом каби калтафаҳм инсонларга
қаратилгандир. Москвадан доктор бўлиб қайтган қизини "ҳар ойда юз
сўлкавойни қўйнингизга жарақлатиб солади", деб мақтайди-ю,
Мўминнинг "Нодиржон мухбир бўлиб шеър ёзади, даста-даста
китоблари чиқади", деган гапини "Хўроз бўлсин, тухум қилсин", дея
назарига ҳам илмайди. Икки қадрдон ўртасидаги можаро бир-
бирининг фарзандига тош отиш билан якунланади.

Мўминнинг "Э жиндаккина жони бору туришини қаранг! Даст
кўтариб дарахтнинг устига ўтқазиб қўяман, додингизни худога
айтасиз!", - деб қўрқитувчи ўзидан устун хотини Хуриниса можарони

девор орқасидан эшитиб туради ва мол эгаси оғзига сиққанини сўрайди, савдони харидор пиштади", - дея эрига тўғри йўлни тушунтиради.

Аёлининг маслаҳати билан Мўмин Абдусаломга яна бир бор юзланганида, қўшниси унга "Бедананинг тухумидай каллангизга нима фикр келиб қолди?" - деган назарга илмас гап билан жавоб қайтаради. Фикрича, ўзи ақлли, доно, дўсти эса ҳеч нарсага ақли етмайдиган оми бир инсон.

Бу ерда драматург Абдусалом образи орқали унга ўхшаш ҳаётда учраб турадиган инсонларнинг қанчалик бефаҳм эканлигини халққа намоён этади. Тўйни қаерда қилишни келиша олмай икки қиёматли дўст бир-бирлари билан роса тортишиб қолишади.

Абдусалом – Тўй сизникида бўладими?

Мўмин – Ҳа-да.

Абдусалом – Мен ёру биродарим, қариндош-уруғларимни сизникига таклиф қиламанми?

Мўмин – Шундай бўлади-да.

Абдусалом – Ўчоқ, қозон-товоқ, тугун-терсак бизникида бўладими?

Мўмин – Майли.

Абдусалом – Майли, дейди-я! Омин, оллоҳу акбар! (Туради.)

Мўмин – Э, қаёққа?

Абдусалом – Бор-бор-эй! Тўй бу кишиникида бўлар эмиш. Сизникида тўй қилиб бўладими? Олқиндидай ҳовлингиз бор. Тўй бўлса, мана, меникида бўлади.

Мўмин – Ҳали сизнинг ҳовлингиз катта бўлдики? Тўртта одам кирса, бешинчиси лайлакка ўхшаб бир оёғини кўтариб туриши керак. Тўй бизникида бўлади. Нима қилса ҳам, ўғил уйлантиряпман.

Абдусалом – Мен ёлғиз қизимни чиқармоқчиман. Тўй бўладиган бўлса, мана, меникида бўлади.

Мўмин – Бўлмаса мана бундай қиламиз, дўстим. Ўртадаги бир парча деворни бузамиз, ҳовлини катта қиламиз. Тўйни бир жойда ўтказамиз. Бўлдики?

Аслини олганда, бу икки қадрдоннинг ҳовлиси бир хил ўлчамдаги кичик уйлар бўлиб, бирининг устидан бири кулишига ҳеч қандай асос йўқ эди. Шу тариқа бу икки тажанг олиша-олиша деворни бузишгача олиб келишади. Ана шундан сўнг олтин девор машмашаси ҳам бошланади.

Муҳаббат дардида қуйиб, ёнаётган севишганлар Нодир ва Дилором ўртасидаги ўзаро диалогда Эркин Воҳидов шеърий байтлардан фойдаланган. Асарда Нодир томонидан Дилоромга қарата ҳофиз Шерозийнинг шеърий мисраларини айтилиши унинг қизга бўлган самимий муҳаббатини тараннум этаётганидан далолат беради.

Нодир – Ҳўп десанг, мен янги ойни

Сирғадек тақдим этай.

Дилором – Зормидим жездан ясалган

Ҳийлаи аъмол учун.

Шу каби жумлаларни айтади-ю, Дилором у учун энг олий неъмат бойликни эмас, севги эканини улуғлайди.

Драматург томонидан севишганлар ўртасидаги шеърӣ сўз ўйинларини киритилиши асарнинг қимматини янада оширганини кузатамиз.

Деворни бузиб кўза топиб олган икки қадрдон нафснинг қулига айланадилар ва очкўзлик қилиб фарзандларидан бу нарсани яширадилар. Кўзадаги эски-туски нарсаларни кўргач эса уни бир-бирларига тақдим эта бошлайдилар. Бу билан драматург инсонларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатсиз бўлиб кетаётганликларини кўрсатади. Олтиннинг жиринглаган овозини эшитгач, чоллар ўртасидаги ҳақиқӣ келишмовчиликлар бўлиб ўтиши Эркин Воҳидов томонидан моҳирона яратилган. Бир зумда бутун авлоди ўртамиёна ҳаёт кечирган Мўминнинг бобоси Худоёрхоннинг сарбози бўлиб қолади-ю, кўзадан топилган эски калиш эгаси бир умр мастеровойлар билан ярмаркада бирга юриб, доим ботинка кийган Абдусаломнинг дадаси бўлиб чиқади. Бу каби олтин илинжидаги тортишувлар орқали Эркин Воҳидов пул деса ўзини томдан ташлайдиган, ёлғонни ҳам сув қилиб ичиб юборадиган кимсаларни кўрсатади.

Бўлиб олинган олтинни пуллаш мақсадида, унинг баҳосини билиш учун Абдусаломнинг Саидмалик заргарникига кириши ҳаром йўл томон илк қадамларини қўйиши эди. Тўртта қаср қуришга етадиган давлати бўла туриб, битта иморат қура олмаётган, қўрққанидан аллақандай соялардан қочиб юрадиган Саидмалик заргар сариқ иблиснинг домига тушган ҳақиқӣ инсонлардан эди. Абдусаломнинг олтинларига эгалик қилиб миллионер бўлиш ниятида Саидмалик виждонини ҳам сотиб юбориш даражасида

айёрлик билан ҳийла ишлатиш йўлига ўтади. Тегишли жойлардан бир умр қўрқиб яшаётган бу қуруқ "ҳукумат" одамнинг содда чолни милицияга хабар бераман, дея қўрқитиши, унинг қанчалик тубан одам эканлигидан далолат беради. Саидмаликнинг озгина берган совғасига боши осмонга етган Абдусалом қизининг норозилигига қарамай, ҳамма нарсани уни бахти учун қилаётганини айтишдан чарчамайди. Бахтнинг мол-мулк билан ўлчанмаслигига ботқоққа ботиб бораётган Абдусаломнинг ақли етмайди.

Саидмалик ва Абдусаломнинг келишувига биноан севишганлар ўртасига қора ботир бўлиб Қиличбек (Э.Комилов) пайдо бўлади, у асли милиция лейтенанти Анвар Мақсудов эди. У фаҳм-фаросатли, ақлли, ишни кўзини биладиган инсон бўлгани учун заргарнинг ишончини қозониб, уни укасидек бўлиб қолади. Ҳукумат томонидан ёлланган Қиличбек жуда усталик билан иш юритади, лекин шунга қарамай ўзи билмаган ҳолда қизларнинг тузоғига тушади. Аммо уddaбурон Қиличбек ўз вазифасини аъло даражада бажариб бу икки оилани жар ёққасидан олиб қолади. Эркин Комилов Қиличбекни нозик топилмалар билан олиб чиқишга ҳаракат қилган. Томошабинни актёр топилмалари, нозик ҳатти-ҳаракатлари ўзига тортади, шу орқали уни ўша образда тавдалантиради, тасаввур қилади.

Олтинни қаерга беркитишни билмаган, қўйишга муносиб жой топа олмаётган, ўзидан бошқа ҳеч кимга ишонмай қўйган бечора Мўмин эшикдан кириб келаётган ҳар бир кишидан шубҳаланаверади. Назарида ҳозир ҳукумат одамлари келиб олтинларни олиб кетаётгандек туюлади. Бу сариқ шайтон инсонларни не қўйларга

солмайди, дейсиз. Йиғлаётган Мўминни кўриб оқсоқол ҳайратга тушади. "Бечора тўйга тайёргарлик кўраман деб шу ҳолга тушган", деб ўйлайди-ю, бу ҳаммаси олтиннинг васвасаси эканлиги хаёлига ҳам келмайди. Саидмалик заргарнинг буйруғи билан Қиличбек томонидан олтинларни тошларга алмаштирилиши Мўминнинг жинни номини олишига сабаб бўлди. Соғлом эканлигига бошқаларни ишонтиришига уринаётган Мўминнинг бир зумда "тош-тош", дея у ёқдан бу ёққа юриб жинниларга хос қилиқларни қилиши бутун оилани эсдан оғдиради. Мўмин Ғани Аъзамов томонидан бетакрор талқин этилган. Тиллаларни беркитиш билан овора бўлган ҳолатда кўзининг чақнаб туришини, хотини Шарофат (Икрома Болтаева) билан ўзаро ҳатти-ҳаракатларини кузатиб турган томошабинлар ҳақиқий комедиянинг гувоҳи бўлишади. Шу ўринда устозимиз профессор Муҳсин Қодировнинг қуйидаги фикрлари эътиборлидир. "Томошабинлар у ёки бу томошани, сахнани кўриш учун эмас, балки маълум масхарани, қизиқчини кўриш учун йиғилади. Негаки, томошабин ижро этилиши мумкин бўлган халқ комедияларининг кўпини олдиндан билган, шу боис унга ким ижро этиши ва қандай ижро этиши муҳим эди.¹" Актёрнинг ижро санъатидаги баъзи сахналарда унинг сўзи эмас, маромида ишлатган қилиқлари, оҳангидаги ўзига яраша сўзларнинг жаранглаши томошабинни жалб этади. Икрома Болтаева ижросидаги ҳар бир образ ранг-баранглиги билан бир-биридан ажралиб туради. Актрисада образга яраша топилмалар бор. Овоздаги жарангдорлик, устидаги кийимларини

¹ Қодиров М. Анъанавий театр драматургияси. Т.: "Янги аср авлоди", 2006., 7-б.

ўзига ярашгани, ҳатто кўз қарашларида ҳам айнан такрорлаш мумкин эмаслиги кўзга ташланади.

Дилором уйдан қочиб кетгач, қизи йўқолганидан изтиробга тушган Абдусалом қилган ишларидан пушаймон бўлади. Нодирнинг дўсти Матлабдан унга раҳнамо бўлиб Каъбатуллога олиб кетишини ёлвориб сўрайди. Аммо Матлаб бундан бош тортади. Чунки пешона тери билан топилмаган пулга ҳаж қилиб бўлмайди. Фақат ҳалол меҳнат билан топилган пуллар ҳаж зиёратини адо этишга муносибдир. Асарда Матлаб томонидан "Айнул инсан ла юшбиу илла биттураб баъд ал мавд", яъни "Кўзнинг очлигини фақат тупроқ тўлдиради", деган араб мақолини келтирилиши бир томондан бу йигитни қанчалик билимли эканлигини, иккинчи томондан эса Эркин Воҳидов инсонларни огоҳликка чорлайди, ҳамда охиратни эсдан чиқармасликка даъват этади.

Асар сўнгида Саидмалик заргар кирдикорлари учун қамоққа олинади. Дунё ҳақиқатини тан олган икки дўст, икки қадрдон, қирқ йиллик оғайнилар осмондан тушган бойлик ҳеч қачон инсонга яхшилик олиб келмаслигини англаб етадилар. Инсон эзгулик сари интилса, ҳақиқий бойликка эришаётганини ҳис этади. Ҳақиқий бойлик эса юртимиз тинчлиги, оила фаровонлиги, яқинларимиз саломатлиги ҳамда хурсандчилик-да, тотув ҳаёт кечиришимиздир. Дунё ҳақиқати ҳам асли ана шунда эканлигини ҳар бир юксак маънавиятга эга инсон илғай олиши даркор.

Эътибор берсак, тилимизда ҳалоллик ва нопоклик ҳақидаги ибратли ҳикматлар билан бирга, "Йўлини топибдими, қандини урсин", "Ўзумини енг-у, боғини суриштирманг", деган мақоллар ҳам

бор. Албатта, бундай мақоллар бежиз пайдо бўлмаган, улар ҳам маълум бир ҳақиқатни ифодалайди. Лекин, бундай гаплар одамнинг бойлик ва мол-дунёни қандай йўллар билан топаётганига лоқайд ва бепарво қарайдиган, манфаатпараст шахслар томонидан тўқиб чиқарилгандек туюлади. Уларнинг фикрича, инсон ўз бойлигини пешона тери тўқиб, Оллоҳ берган ақл - идрок ва тафаккурини ишлатиб топаяптими ёки қинғир, ҳаром йўллар билан орттираяптими - бу гўёки ҳеч кимни қизиқтирмаслиги керак. Аммо ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф келтирадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларнинг эса ўзига хос ҳаётий қарашлари мавжуд бўлиб, улар юқорида келтириб ўтилган фикрларга қўшилмайдилар.

"Олтин девор" комедиясининг бугунги кунда тутган ўрни шу нуқтаи назардан жуда муҳим саналади. Жамиятимизда Саидмалик заргарга ўхшаш кимсалар ҳали ҳам учраб туради. Бу тоифа кишилар юртни талон тарож қилиш билан бирга халққа ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказди. Биз бу каби адашган кимсаларни йўлга солишимиз, уларни разил ниятларидан қайтаришимиз зарур. Абдусаломга ўхшаш фарзандининг бахтини пул билан ўлчайдиган бефаҳм кишилар учун эса бу асар ибрат намунасидир.

Пьесани режиссёр сахнага олиб чиқишида етакчи актёрлар ансамблини жалб этган эди.

Ғани Аъзамов, Амин Турдиев, Икрома Болтаева, Эркин Комилов, Элёр Носиров, Сайёра Юнусова ва бошқа ижрочилар ансамбли ва

спектаклнинг режиссураси театрнинг ўша йиллардаги юксак ижодий салоҳиятининг етук маҳсули сифатида томошабинларга муносиб тортиқ бўлиб, ўз навбатида театр режиссёри Тошхўжа Хўжаевга катта шуҳрат келтирганди.

Эркин Воҳидов "Олтин девор" комедиясини яратар экан, уни ҳам кулгили, ҳам аччиқ ҳақиқатни инсонлар онгига етказиш мақсадида ёзди. Шунинг учун ҳам бу ўлмас асар халқнинг қалбидан чуқур жой олган бўлса ажаб эмас.

Шундай қилиб, Уста Мўмин образи Ғ.Аъзамовнинг "шоҳ роллари"дан бири бўлиб қолди. У киши Аброр Ҳидоятонинг Отеллоси, Шукур Бурҳоновнинг Шоҳ Эдипи, Сойиб Хўжаевнинг Тошболтаси, Обид Юнусовнинг Ўткурыйси, Зайнаб Садриеванинг Фармонбибиси каби "Олтин девор"даги Мўмин орқали танилган, эл назарига тушган ҳурматли инсон.

Ҳа, ушбу спектаклда Ғ.Аъзамовнинг комедияга мойил истеъдоди янада ёрқинроқ кўзга ташланганлигини томошабинлар муносабатидан ҳам билиш мумкин. Режиссёрнинг актёрга нисбатан қўйган талаби, яъни унинг бадиҳавий ижросига бўлган ишонч тўла - тўқис оқланди. 60-70 - йиллардаги салмоқли асарлардан иборат репертуар фонида ушбу спектакль халқ анъаналарини, унинг юморга тўла хислатларини ўзлаштириш зарурлигини яна бир карра исботлади.

II-БОБ

Эркин Воҳидов дostonларининг драматургияда тутган ўрни

Эркин Воҳидов ўзбек шеъриятида "Ўзига хос сeҳр соҳиби" эканлиги барчамизга маълум. Унинг романтик оҳанг ва шафқатсиз реалистик руҳда йўғрилган шеъриятидан баҳраманд бўлган инсон бунини яққол сезиши табиий. Шу билан бир қаторда шоир ўнга яқин дostonлар муаллифидир.

Шоирнинг барчага ёд бўлган “Дўст билан обод уйинг” (1967) ҳамда “Ўзбегим” (қасидаси, 1968)да инсонларнинг азалий ва бир умрлик дилидаги армон, истаклар ёзилади.

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

Бу жумлалар ҳар бир ўзбек қонига сингиб кетган десак адашмаймиз. Қуйидаги “Дўст билан обод уйинг” шеъридаги мисралар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир кошона ҳам.

Эркин Воҳидов шеърларида акс этган замон дарёсига шўнғиймиз ва ундан руҳланамиз, шодланамиз, дилларимиз бир олам қувончга тўлади.

Эркин Воҳидовга дostonчиликда шуҳрат келтирган "Нидо", "Руҳлар исёни" шеърый драмасидир.

"Нидо" достони юксак бадиияти, самимияти, теран инсонийлиги билан ажралиб туради. Достонда шахсий йўналиш ижтимоий оҳанг билан туташиб, уйғунлашиб кетади, биргина шахснинг туйғу ва ўйлари кўпчиликнинг ташвиш-кечинмалари даражасида акс этади. Достон биргина лирик қахрамоннинг, уруш туфайли отадан етим қолган ўғлоннинг эмас, уруш жабрини чеккан миллион-миллион кишилар қалбининг мунги, нидоси, урушга нафрати, миннатдор авлодларнинг оғир жангда ҳалок бўлганлар хотираси олдидаги қасамёди жаранглайди.

Даҳшатли уруш азоблари мурғак болаларни ҳам оқшом уйқуларини безовта қилар, оталари дийдорига тўймаган ўғилнинг юрак нидолари тилга олинади. Фарзанди осойишталигини ўйлаб она кўнглига юпанч, далда берар;

Ёлғизим, қўзим?

Тун узоқ, ухлай қол,

Кўзларингни юм.

Ором ол, мен сенга

Аллалар айтай.

Тонгда пешонангдан

Ўпиб уйғотай, деган сўзлари билан кўнглига таскин берар, ўғлини тезроқ улғайишини, ўқимишли одам бўлишини, улар кўрган

бу ғурбатли кунларни кўрмаслигини, тезроқ уруш деган даҳшатли сўз йўқ бўлишини истарди. Ўғил ҳар куни кўчада болалар билан ўйнайди, уйга қайтади аммо, кўнгли кимнидир бесабрлик ила кутарди. У ҳам бўлса отасини қўмсар, мурғак кўнгли онасига бесаноқ саволлар берар эди;

“Айтинг, ая менинг дадам қаҳрамонми?

Тоғларни ҳам қулатувчи паҳлавонми?

Орденлари жуда кўпми кўкрагида?

Менинг дадам самолётда учадами?

Осмонлардан парашютда тушадими?

Катта жангга кирадами ёлғиз ўзи?

Елкасида ёнадами беш юлдузи?

Келганида тойча олиб берадами?

Айтинг, дадам ҳаялламай кела қолсин”, шу каби қатор саволлар билан онани гоҳида қийнар, гоҳида кўнглига осойишталик берар эди. Ўғил ўйинлардан анча эрта тўйганлиги, барвақт китобларга ҳавас кўтанлиги-ю, ҳарфларни ёддан билиши, отасини хати орқали саводи чиққанини адиб чиройли мисраларда келтириб ўтади. Урушнинг охирги йиллари, отадан мактуб олган ўғил уни қайта-қайта ўқийди, ўша куниёқ дафтар олиб, жавоб хати ёза бошлайди. Ақлли ўғил отасини соғинганини, агар у тилак қилса , доим ижобат бўлишини бувиси айтганини отасига ёзади.

Эркин Воҳидов шу қадар ўқувчини жумбушга келтирадиган сўзларни қоғозга туширади. Ушбу “Нидо” достонида шоир онанинг матонатини, фарзандининг улғайиб, ҳаётга ёруғ йўлдан бориб, одам боласи бўлишини бетакрор сўзлар орқали келтиради.

“Нидо” достони барча ўқувчини қалбидан ўрин олган десак, муболага бўлмас.

Драматург шеърлари, достонлари ва пьесаларида шунчаки олди-қочди воқеалар эмас, жиддий муаммолар ўртага ташланади. Одамларни фалсафий мушоҳада юритишга, кечаги кунининг қадрига етишга ўргатади.

"Нидо"дан сўнг орадан ўн беш йил ўтиб ёзилган "Руҳлар исёни" достони шоирнинг ўша пайтга қадар босиб ўтган ижодий йўлининг энг баланд чўққиси, ўттиз йиллик ижодий изланишларининг муайян якуни, достончиликдаги тажрибаларининг гултожидир.

"Руҳлар исёни"- қахрамонлик достони. Унда муаллиф асримиз бошларида чақмоқдек ярақлаб, шеъриятда ўчмас из қолдирган, исёнкор шеърлари билан бутун Ҳиндистон яриморалини ларзага солган, ҳаётини эл-юрт эрки, бахти йўлида фидо этган оташин бенгал шоири Назрул Исломов жасоратини улуғлайди.

Муаллиф исёнкор шоир кураши, жасорати қанчалар қимматга тушганини, шоир билан давр ва халқ орасидаги мураккаб, зиддиятли муносабатларни, шоир қалбининг орзу, алам-изтироб, туғёнларини бутун кескинлиги билан кўрсатади. "Руҳлар исёни"- фалсафий достон; муаллиф Назрул Исломов жасорати, фожеий қисмати баҳонасида шоирнинг, умуман ижодкорнинг ҳаётдаги ўрни, фуқаролик бурчи, қолаверса, инсонийлик, фидойилик, эрка ташналик, ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг бошқа хилма-хил муаммолари устида ўйларга толади.

"Руҳлар исёни" шакл жиҳатидан ҳам ўзига хос новаторона асар, у хилма-хил шеърий шакллар, ҳиссий оҳанг, ранглар, ҳам реал ҳаёт

лавҳалар, ҳам ривоятлар, шартли-рамзий ифодалар ранг-баранглигидан ташкил топган. Шу хилдаги шакл ва ифода ранг-баранглиги асар замирида ётган ҳаётий ҳақиқатни мураккаблиги билан ифодалашга хизмат қилади, шоирнинг узоқ кутиш, ҳаётий тажриба, хулоса, ўй-мушоҳадаларини, кўнгил дардларини тўкиб солишга имкон беради.

Достонда бош қаҳрамон Назрул Ислом ҳаёти хронологик тарзда ёзилмаган, балки шоир ҳаётидаги энг муҳим, кескин дақиқалар танлаб олиниб, улар шоирона таҳлилдан ўтказилади. Шоирона таҳлил пайтида муаллиф ҳаёлларга қанчалик эрк бERMасин, барибир, изчил тарихийлик принципига амал қилади. Назрул Исломдек исёнкор шоирни етиштириб чиқарган тарихий шароитни, қаҳрамон фожиясининг туб ижтимоий сабабларини тарихан ҳаққоний кўрсатишга, очишга эришади. Достонда реал ҳодисалар билан ёнма-ён келтирилган хилма-хил ривоятлар, тарихий воқеалар худди ўша тарихий-ижтимоий ҳодисалар моҳиятини, умумбашарий маъносини чуқурроқ англашга, улардан фалсафий хулосалар чиқаришга қаратилган.

Достон ҳақсизлик ва адолат, истибдод ва эрк орасидаги мангу курашда истеъдоднинг ўрни ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар билан бошланади; чин истеъдоднинг табиати яралишдан ноҳақликка, адолатсизликка, истибдодга қарши исёндир, деб айтади муаллиф.

Назрул Ислом дунёга шоир бўлиб, яъни даврининг пок тилаги, иймони, армон тўла юракдаги исёни бўлиб туғилди, давр, эл-юрт шундай исёнкор шоирга муҳтож эди, "Замон унинг ёниб турган юрагини сўрарди". Шоир ҳали туғилмасдан бурун ўз юртидан жудо

этилган эди, эл-юрт зобитлар оёғи остида топталиб ётибди, жаҳолатда қолган халқ золим-зобитларга қарши туриш ўрнига, ҳинду мусулмонга ажралиб, бир-бирини қириш билан овора. Муаллиф Ҳиндистон тарихининг шу қора кунларини алам билан қаламга олар экан, яна шоир ва унинг фуқаролик бурчи ҳақидаги баҳсга ўз фикрларини баён этади.

Назрул Ислом шеърларидан бирида "Мен исёнкор", "Мен қайғули бу дунёнинг нотинч қолган руҳиман", - деган эди. Достон муаллифи шоирнинг шу хилдаги сатрларига таяниб, унинг исёнкор қалби манзараларини чизади, ижодининг ёрқинлигини очади. Худди ўша безовта қалб, исёнкор ижод талқини жараёнида муаллиф шоир фожиасининг ибтидосини кўради: шоир шеърларидаги исёнкорона руҳини биров тўғри англайди, биров нотўғри. Биров "Қани шеърда гуллар рақси? Қани булбул навоси?", деса, бошқаси, "Бу шеър Шарққа хосдир наҳот? На ишқий, на риндона", - дея ажабланади. Энг ёмони, бор гапни билиб туриб курашдан, ғалвадан ўзини четга олган худбин, жасоратсиз, ношуд-нотавон мунофиқлар ғаламислигидир.

Шоирни, айниқса шу хилдаги фақат ўз жонини, тинчини ўйлайдиган журъатсиз мунофиқлар ақидаси қийноққа солади, ҳақсизликни кўра-била туриб индамаслик хиёнатдир. Онгли одамлар лоқайдсизлиги, пассивлиги оломон орасида жаҳолатнинг кенг ёйилишига йўл очади. Жаҳолат туфайли эса, эл орасида ўзаро низо, нифоқ авж олади. Бу фақат золиму зобитларга қўл келади. Эркин Воҳидов достонининг "Ғалаён" бобида 1926 йили Калькуттада бўлиб ўтган фожеий воқеа - жаҳолат, диний адоват оқибати ўлароқ келиб чиққан қонли тўқнашувлар баҳонасида шоир-қаҳрамон қалби орқали

бунӣ ёрқин ва таъсирчан ифода этади. Шу ўринларда Назрул Ислон фақат қийноқ қалби, оташин сўзлари билангина эмас, амалий фаолияти билан ҳам фаол курашчи, жасур жангчи сифатида кўринади, жаҳолатда қолган элнинг кўзини очиш, ўзаро низоларга барҳам бериш йўлида жонбозлик кўрсатади. Минг афсус, худди ўша оломонни кўру кар қилиб қўйган, ғафлат бандасига айлантирган жаҳолат туфайли шоир тухматга, таъқибга учрайди. Шоирни ғалаённинг сабабчиси деб атайдилар, эл учун жон тиккан шоир эл душманига айланади. Ҳибсга олинади, энг даҳшатлиси, ўзи тотувликка ундаган ҳинду билан мусулмон икки ёнда уни таъқиб этиб боради.

"Жаҳолат тўғрисида ривоят"ни эса, дostonнинг кульминацияси деб аташ мумкин. Донишманд улуг ҳакамнинг жаҳолат ҳукм сурган замонда наштар кўрнинг кўзини очишга журъат қилиши, жоҳил оломон томонидан бундай журъат макруҳ аталиши, ҳакимнинг сазойи этилиши, гулҳанда куйдирилиши, энг ёмони худди ўша ўз кўлида шифо топиб, кўзи очилган чол томонидан таъна-дашном эшитиши, ўша жоҳил чол ёққан оловда куйиб кулга айланиши-ривоятда келтирилган бу фожиавий воқеалар ва улар туфайли шоир қалбида кечган ўйлар киши қалбини титроққа солади. Шу ҳаяжонли ривоят воситасида қаҳрамон жасорати ва фожеаси моҳиятини яна бир карра бутун вужудимиз билан идрок этамиз.

Орадан йиллар ўтди, шоир ватани - Ҳиндистонда катта ўзгаришлар содир бўлди: мустамлакачилар юртдан қувилди, Ҳиндистон мустақиллик, тинчликсеварлик, ижтимоий тараққиёт йўлига тушиб олди, бир вақтлар таҳқирланган, жабрланган шоир

ҳаётда ўрнини, қадрини топди, эл ардоғига сазовор бўлди. Афсус, минг афсуски, у тазйиқ, ҳибс, қийноқлар оқибатида ҳали ўттиз бешга етмаган навқирон ёшида айна ижод қайнаган пайтда эс-ҳушидан айрилган эди. Шу ҳолда у қирқ йил ардоқда яшади.

Бу асар фақат қаҳрамонлик достони, фожеий дoston, ўймушоҳадалар достони бўлиб қолмай, тарихий сабоқлар достони ҳамдир. У Назрул Исломдек ёрқин сиймо асл халқ фарзандининг шонли ва аччиқ қисматида сабоқ чиқариб олишга чақириқ бўлиб янграйди.

Эркин Воҳидовнинг яна бир "Истанбул фожиаси"да ҳаётнинг бошқа бир шафқатсиз ҳақиқатига дуч келамиз. "Рухлар исёни" достони ўз давридан ҳийла олға кетган, давр нопокликларига, зулм ва адолатсизликка, қолоқ одатларга, жаҳолатга қарши чиққан жасур, мардона шахс фожеаси бўлса, "Истанбул фожеаси" давр тўзонлари, ҳаёт чигалликлари ичра гангиб, нохуш, номақбул тўлқинлар исканжасига тушиб қолган, адашган аммо кечикиб бўлса-да, хатосини англаган одамлар фожиасидир. Худди "Рухлар исёни"даги каби "Истанбул фожиаси"да ҳам қаҳрамонлар қисмати замоннинг муҳим тарихий - ижтимоий воқеа ҳодисалари - иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги даврда дунёдаги кескин зиддиятлар, мамлакатимиз ижтимоий - маънавий ҳаётидаги муаммолар билан боғлиқ ҳолда талқин этилади.

Драматургнинг "Истамбул фожеаси" пьесаси режиссёр Н.Отабоев, рассом У.Сайдалиевлар ҳамкорлигида сахнага қўйилади. Пьеса жиддий савияда ёзилган, ва сахналаштирилган. Асар ҳис-

туйғуларга тўла, жўшқин, ҳаяжонли, томошабинни ҳаётимиз силсилаларига бефарқ қарай олмайдиган даражада тутадиган асар.

Драма сюжети унчалик мураккаб бўлмаса-да, бир қориндан талашиб тушган ака-ука Жалол ва Искандарлар муҳаббат туфайли бир-бирига рақибга айланадилар. Ака укаси севган қизни йўлдан уради, аламига чидай олмаган ука эса ўзини қўйгани жой тополмай, кўнгилли бўлиб фронтга жўнайди. Қисматни қарангки, ана шу ака-ука ва улар орасидаги зиддиятга сабабчи бўлган аёл-Садоқат қирқ йилдан кейин хорижда учрашиб қолишади.

Сюжет ривожини занжирида романтик руҳдаги асарларга хос ғавқулдда шартли ҳалқалар талайгина: оға-ини ва улар орасига ғов солган аёл, яъни ҳам қондош, ҳам рақиб оға-ини ва уларнинг ҳар иккиси учун азиз бўлган шахснинг қирқ йилдан сўнг хорижда бир-бирига дуч келиши, аллақачон марҳум саналиб, номи қаҳрамонга айланган, шуҳратларга бурканган одамнинг тирик, бунинг устига ватангадо бўлиб чиқиши бир вақтлар ўзга номда, ўзга эл одами бўлиб юртига, оғаси, севгилиси, онаси ҳузурига келиб кетиши, буни ҳеч ким сезмай қолиши - буларнинг барчаси романтик асарлар сюжетига хос ғавқулдда хусусиятлардир.

Булардан ташқари, асарнинг шаклий-шеърый тузилиши, ифода тарзи оҳангидаги романтик кўтаринкилик, қандайдир салобат бор. Шу билан бирга муаллиф тасвирда изчил реалистик йўлдан боришга - қаҳрамонлар фожиасининг ҳам субъектив, ҳам объектив - ҳаётий асосларини очишга, улар характерининг мураккаблиги, зиддиятлари ила кўрсатишга, уларни замонасининг реал жонли одамлари сифатида беришга интилади. "Улар хатолари ва армонлари билан,

ишончлари ва иштибоҳлари билан шу заминда яшаб турган одамлар", - дейди муаллиф асарга ёзган сўзбошида. Энг муҳими, ҳодиса ва характерлар талқинида шоир бир хиллик ҳамда бирёқламалик-дан қочади.

Асардаги уч етакчи персонаж- оға Жалол, ини Искандар, орадаги аёл Саодат- ҳаммаси ўзгарувчан характерлар, улар ҳаёт йўли-умрининг турли босқичларида турли вазифаларда турлича ҳолда кўринадилар.

Кўп ҳолларда бир ҳодиса уч персонаж томонидан уч хилда идрок этилиб, уч хилда баҳоланиши, аксари қарашларидаги тафовут ва зиддиятларнинг кескин тус олиши асарга ўзига хос мунозара руҳини бағишлайди. Баҳслар пайти муаллиф воқеага бевосита аралашмайди, ким ҳақ, ким ноҳақ, асл ҳақиқат ким томонда эканини ўқиётган киши сезиб, билиб туради. Шунга кўра бу асарни ўқиш учун кишида адабий -эстетик тайёргарлик бўлиши керак, ҳамда у нозик дидли, билимдон бўлиши талаб этилади.

Бундай олиб қараганда, Искандар шунчаки адашган ватангадо хоин бир кимсадек кўрилади. Аслида эса Искандар қочоқ, хиёнаткор эмас, юрт олдида гуноҳсиз: у ихтиёрсиз равишда ҳаёт сўқмоқларига тушиб қолган. Бир вақтлар бу пок ва содда, қалби кўзгу каби мусаффо, ориятли йигит Саодатни чин дилдан севган, ватан озодлиги йўлида чиндан ҳам мардона жанг қилган. Бу одам ҳаётининг издан чиқиши сарсон-саргардон ватангадога айланиши, аввало уруш даҳшатларига, зиддиятли дунёнинг ғайриинсоний томонларига бориб тақалади. У урушнинг энг бахтсиз тирик қурбони. Омонсиз жанг пайти душман қўлига тушиб қолади, хорижда сарсон-саргардон кезади. Искандарнинг бахтсизлигида олғир ини, беқарор Саодатнинг ҳам

ҳиссалари бор. Бунга Искандарнинг ўзи ҳам айбдор. У илк севги ҳижрони азобларига дош беролмай, жиззакилик қилиб, ихтиёрини бутунлай тақдир изнига қўйиб беради. Энди унинг учун гўё она юртида қизиқитирадиган ҳеч нарса қолмагандек, юртига астойдил талпинмайди, ўз бахти, шаъни учун курашмайди. Бундай беқарорлик, лоқайдлик эса, унга ниҳоятда қимматга тушади.

Достонда Жалол образи алоҳида аҳамиятга эга. У шахсий манфаат, шон-шуҳрат қўйида билиб билмай кўп номақбул ишларга, гуноҳларга қўл урган: бир вақтлар у инисининг тиригини хорлаб, ўлими ҳақидаги ёлғон хабардан сўнг уни эъзозлашга тушган, инисининг жасорати ҳақидаги хабардан эса худбин мақсадлари, сохта шуҳрати учун бир омил сифатида фойдаланган.

Ҳаётда йўл қўйилган хато сабабларини, моҳиятини, оқибатларини англаб етиш ҳам мардлик аломати. Жалол шундай ҳолатларни бошидан кечиради. Хориждаги иниси билан учрашув Жалол учун бир ҳаёт имтиҳони вазифасини ўтайди. Искандар ва Саодат билан тортишувлар асносида кўп иккиланишлар, иштибоҳлар, ички олишувлар жараёнида у охири чин ҳақиқат, адолат йўлини танлайди. Шахсий ҳаётда йўл қўйган хато, ўз жигарига қилган адолатсизлик, бу адолатсизликнинг даҳшатини юракдан ҳис этиш, Жалол учун бошқа айбларни-ижтимоий фаолиятдаги гуноҳларини англаб етишга йўл очади.

Шу тариқа "Истанбул фожеаси" даврининг ижтимоий-маънавий муаммолари - миллат танини ҳар қандай ғуборлардан поклаш ғояси, ижтимоий адолат нури билан йўғрилган асардир.

Достон камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Чунончи, Жалол руҳиятидаги ўзгаришлар, унинг охирги қатъий қарори қанчалар қимматга тушиши мумкинлигини, олдиндаги вазият нақадар чигал ва мушкуллиги бутун драматизми билан кўрсатилмаган; воқеа ва ҳодисаларнинг уч шахс доирасида чеклаб қўйилиши муаллиф олдида муайян ижодий қийинчиликларни келтириб чиқарган. Персонажлар, айниқса, Жалол ижтимоий фаолияти билан боғлиқ мураккаб муаммоларни кенгроқ ёритишга монеълик қилган, воқеаларга яна кимлардир аралаша олмай, дардини, гапини айта олмай қолгани сезилиб турибди; сюжет жанридаги омонатроқ ҳалқалар реалистик далиллашни тақозо этади. Лекин бу хилдаги кам -кўстларидан қатъий назар, бу асар 80- йиллар ўзбек адабиётида катта ҳодисадир.

Драматург қаламга олган муҳим жиҳатлар ва зиддиятлар ичида қолган, адашиб қолган кишилар фойдаси, мураккаб тақдири, муаммолар билан чамбарчас бўлган кимсалар ўтмишини асар давомида бирин-кетин узликсиз кузатамиз. Бу каби чигал муаммолар бугунги кунда ҳам йўқ эмас. Мавзу йиллар ўтса ҳам ўз юкини, мағзини, инсонлар ўртасидаги, айниқса жигарлар орасидаги оқибатни йўқотмасликка, кенгроқ фикр юритишга ундайди.

Эркин Воҳидов йиллар давомида ижодий изланишлари туфайли фикрлар уфқини кенгайтирди, унинг ҳис-туйғулари тобора сержило бўлиб борди. Аммо у ҳеч қачон ўз ижодидан қониқмади, унда янгиликка мойиллик кайфияти туғилди. Бу бир дард, армон бўлиб вужудини ғалаёнга солди. Қалбдаги ана шу ғалаёнларнинг меваси, изланишларининг самараси юқорида биз таҳлил этган 80-

йиллада яратилган дostonлари бири "Рухлар исёни" да яққол намоён бўлди.

Реал ҳаётга ўта яқинлик, замин, замон ва инсон ташвишлари билан ҳамдардлик, оддий кундалик ташвишларда катта инсоннинг муаммоларини кўра олиш, улардан умумбашарий маънолар қидириш, бугунги кунда барчани ҳаяжонга солган масалаларни дадил ўртага қўйиш Эркин Воҳидов учун хос хусусиятдир.

III-БОБ

Эркин Воҳидов ижодий фаолиятига чизгилар

Ўткир Ҳошимов

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов кўп қиррали ижодкор инсон десак муболаға бўлмайди. У турли йўналишда ижод қилиб ўз услубини ярата олган ижодкорлардан. Эркин Воҳидов ўз ижодий йўли давомида шеър ёзиш билан бирга чуқур фалсафий асарлар ҳам ёзишга муваффақ бўлди. Унинг “Олтин девор” комедияси ҳамда “Истамбул фодаеси” шеърый драмаси ўткир мушоҳадага эга асарлардир. Муаллиф “Олтин девор” асари орқали ўзбек характери ни юморга бой тарзда ифодалашга ҳаракат қилди ва унинг уддасидан чиқди деб айта оламиз. Чунки асардаги сўз ўйинларида ўзбек халқига хос феъл-атвор яққол намоён бўлганлигининг гувоҳимиз. Шу сабабли асар ҳозиргача ўз қимматини йўқотган эмас. Бу комедия Эркин Воҳидовга шуҳрат келтирди ва уни драматург сифатида элга танитди.

“Истамбул фожеаси” драмаси ҳам Эркин Воҳидовни драматургияга улкан ҳисса қўшганлигидан далолат беради. Ушбу асарда у оғир синовларни бошдан кечирган инсоннинг ички кечинмалари, изтиробларини зўр маҳорат билан ифодалайди. Асар кишиларни чуқур ўйга толдирибгина қолмай, уларни фалсафий мушоҳада юритишга ҳам чорлайди.

Эркин Воҳидов Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад каби моҳир сўз устаси бўлиш билан бирга драматургияда ўз услубини ўз қиёфасини яратишга эришди. У драматургликка даъво қилмади. Аммо ёзган асарлари унинг драматургияда чуқур из қолдиришига сабаб бўлди. Биз уни ҳеч иккиланмасдан нафақат ўша даврнинг, балки бугунги кунимизнинг ҳам драматурги дея оламиз. Чунки, бу асарлар ҳозирда ҳам қадрланиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти

Турғун Азизов

Шоир ва драматург Эркин Воҳидовнинг серқирра ижоди билан мен ҳам яқиндан танишман. Айниқса “Олтин девор” комедиясини доим томоша қилганимда беихтиёр лабимда табассум пайдо бўлади. Бу адибнинг моҳирона асарни қоғозга туширганидан дарак беради.

Яхши ниятим бор, албатта кўнглимда шу комедияга қандайдир мойилликни сезаман. Мақсадим, “Олтин девор” ни сахналаштирсам, халққа манзур жиҳатли топилмалар асосида чиройли, истеъдодли актёрлар ансамблини тузиб ишлаш.

Драматург

Ҳайитмат Расул

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов лирик ва фалсафий шеърлар ёзишга моҳир бўлганликлари билан бирга, у зот фалсафий мушоҳадага эга бўлган драматургик асарлар

муаллифи ҳамдир. Унинг “Истамбул фожеаси”, “Олтин девор”, “Рухлар исёни”, “Иккинчи тумор” асарлари драматургиядаги ижодий изланишларнинг самарасидир. Унинг қаламига мансуб “Истамбул фожеаси” асарида иккинчи жаҳон уруши даврида ўз элидан қочиб Туркиянинг Истамбул шаҳрида беркиниб юрган ватанфуруш ҳақида ҳикоя қилинади. Ўз элининг заминий бўйларини соғинган, ота ва она чехрасига бутунлай зор инсоннинг фожеавий ҳолати мужассам бўлган бу драма 80-йилларда Ҳамза номидаги (ўзбек Миллий) академик драма театрида ва Сурхондарё вилоят Маннон Уйғур номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилиб томошабинлар олқишига сазовор бўлганлигининг гувоҳимиз.

Унинг “Олтин девор” комедияси виждонли ва виждонсиз кишиларнинг саргузаштларига бағишланган юмористик комедиядир. Бу комедия 1978 йилларда яратилиб машҳур режиссёр Ҳамза ва Абдулла Тўқай мукофоти совриндори Тошхўжа Хўжаев томонидан Ҳамза номидаги академик (ҳозирги Миллий) академик драма театрида муваффақиятли саҳналаштирилади. Бу асарда Мўмин образини тўлақонли яратган Ўзбекистон халқ артисти Ғани Аъзамов шу асар туфайли машҳурликка эришди. Мазкур асар республикамизнинг барча театрларида, жумладан қардош республикалар театрларида навбатма-навбат 30 йил давомида умр кўрди. Шоир Эркин Воҳидовни эса яхши драматург сифатида элга танилишида катта ҳиссадорлик вазифасини ўтади.

2005 йилларида таниқли режиссёр Эргаш Масафаев томонидан инсценировка қилиниб, Қашқадарё вилоят Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқали драма театрида

сахналаштирилган (“Рухлар исёни” достони асосида яратилган) шу номдаги фалсафий драма ҳам Эркин Воҳидовнинг етук драматург эканлигидан шохидлик беради.

Эркин Усмонов

“Театр” журнали масъул котиби

Эркин ака билан жуда кўп мартаба суҳбатлашганман. У киши табиатан юморга бой, гапга уста, ҳазилкаш, жавобга тайёр турадиган дилкаш инсон. Ниҳоятда ўзига хос ўзбекона драматург. Уларда ўзбекларга хос ҳозиржавоблик бор. Шунинг учун ҳам “Олтин девор” асарлари йиллар давомида тинимсиз сахна юзини кўрди. Аслида Эркин акани драматурглик фаолиятлари анча илгари бошланган. 60-йилларнинг бошида “Орзу чашмаси” драматик дostonлари телевидениеда қўйилган. Лекин у ижодий изланишларнинг кичик бир самараси эди. “Олтин девор” эса уларни бу соҳадаги эришган улкан ютуқлари бўлди. Уч пардали бу комедиянинг муваффақиятни сахналаштирилишида режиссёр Тошхўжа Хўжаев ва актёр Ғани Аъзамов (Мўмин)ларнинг катта хизматлари бор. Чунки асарни сахнага олиб чиқиш жараёнида кўп ўзгартиришлар киритилган. Бир суҳбатда Эркин ака спектакль жараёнида асарга киритилган топилмалар ҳақида гапириб бергандилар. Айтишларича, репетиция пайтида Ғани ака олтинни қаерга қўйишини билмай турли жойни кўрсатганлар. Режиссёр Тошхўжа Хўжаев эса буларнинг барини спектаклга киритганлар. Бу асарда йўқ эди. Яна бир кўриниш Ғани

аканинг ролга киришиб кетганликлари туфайли юзага келган экан. Бирдан Ғани Аъзамовнинг сўзлари эсларидан чиқиб қолади. Кейин кўчага чиқиб қайтиб киргандан сўнг, ўз эшикларини тақиллатиб Уста Мўмин деб чақирадилар. Асарда бундай кўриниш йўқ, аммо у спектаклда бир умрга муҳрланиб қолди. Сабаби Ғани ака ролга шу қадар киришиб кетганидан “Мўмин” ким эканлигини ҳам унитаёзди. Буюк режиссёр Тошхўжа Хўжаевга худди ана шу руҳий ҳолатни акс эттирган Мўмин (Ғани Аъзамов) керак эди. Шунинг учун бу кўринишни спектаклга янгилик сифатида киритди. Ушбу спектакл нафақат вилоят театрларида, балки кўпгина хорижий давлатларда ҳам қўйилди. Жумладан режиссёр Мақсуд Юнусов Малайзия, Болгария ўлкаларида сахналаштирди. Лекин у даражада шуҳрат қозона олмади. Чунки Мўмин роли Эркин ака айтганларидек, Ғани ака учун яратилган эди. Бир куни Эркин акадан “Бугунги кунда “Олтин девор” сахна юзини кўрса Мўмин ролида кимни кўрар эдингиз”, - деб сўрадим. У киши “Валижон Шамсиев ўйнаса бўлади”, - деб жавоб бердилар. Бу асарни ёзишдан мақсадлари бойликка ҳирс қўйган кишиларни йўлдан қайтариш, инсофга келтириш экан. “Пул ҳаммани бузади. Бойда пул кўп бўлса ҳеч кимни танимай қолади. Камбағал эса эси оғиб жинни бўлар экан”, - дедилар Эркин ака суҳбатимизнинг якунида.

Эркин Воҳидов ҳеч қачон драматургликга даъво қилмаган инсон. Лекин асарлари йиллар давомида сахнадан тушмади. У зот бутун умр театр билан бирга, ҳамнафас бўлиб яшаганлар. Айтишларича Баҳром Раҳмонов (“Юрак сирлари”), Одил Ёқубов (“Қанот жуфт бўлади”, “Айтсам тилим, айтмасам дилим”, “Чин муҳаббат”)

драматургиясидан қаттиқ таъсирланган эканлар. Шу сабабдан бўлса керак, адибнинг ёзган асарлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Драматург

Усмон Азим

Эркин Воҳидов жуда истеъдодли инсон. Умуман истеъдодли ижодкорлар жуда серқирра бўладилар. Улар шеър ёзиш билан шуғулланиб юриб, аста-секин драматургияга кириб келадилар. Бу мени назаримда, албатта. Буларга рус шоири ва драматурги А.С.Пушкин, инглиз драматурги Шекспирни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Эркин ака ҳам улар каби турли йўналишда ижод қилиб ютуқларга эришганлар.

Эркин Воҳидов шеъриятида икки хил йўналиш мавжуд. Айнан шу, ҳазилни ҳис қилиб, юморда ижод қилиши “Олтин девор”ни ёзилишига сабаб бўлган. Бу асар бадиий даражаси юксак бўлганлиги учун томошабинга яхши таъсир қилди. Бугунги кунда маиший мавзудаги томошабинни қитиқлаб қулдирадиган спектакллар кўпайиб кетди. Аммо “Олтин девор” ҳам худди шу мавзудаги асар бўлиб, бойликка ҳирс қўйган кишиларни маънавий тарбиялаш йўлида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бу асарнинг ютуғи, спектаклнинг муваффақиятли сахналаштирилиши сўз қудрати ва режиссёр ҳамда актёрларнинг буюк хизматидадир. Демак, бугунги кунда ҳам бадиий даражаси юксак бўлса, “Олтин девор”, “Келинлар

қўғолони” каби спектакллар мавзусидаги сахна асарларини яратиш мумкин. Энг муҳими томошабинга таъсир ўтказиш орқали тарбиялашдир.

Эркин Воҳидовнинг “Истамбул фожеаси” шеърий драмаси Ҳамза номидаги (ҳозирги Ўзбек Миллий) академик драма театрда сахналаштирилган. Умуман олганда ҳамма нарсани қўйиш мумкин. Лекин режиссёр шеърни ҳам ичидан кучли бир ҳис-туйғу билан идрок этиб, англаб сахналаштириши лозим. Ҳозирда театрларимизда режиссёрлар шеърни тушунишдан орқада қолмоқдалар. Шу сабабли бу асар сахна юзини кўрмаяпти.

Ҳар бир ёзувчи ёки драматургнинг сўз қўллаши, оҳангини ушлаб туриши ўзига хос бўлади. Эркин ака ҳам худди шу ўзига хослик мужассам бўлган ижодкорлардан.

Ўзбек Миллий академик драма театри директори,

Ўзбекистон халқ артисти

Ёқуб Аҳмедов

Эркин ака табиатан ҳазилкаш инсон. Кўплаб юморга бой тарзда ёзилган ижодий намуналарини бунга мисол келтиришимиз мумкин. “Олтин девор” асарларида инсонлар ҳаётида юз бераётган муаммоларни кулги орқали ёритиб берганлар.

Бу асарнинг сахналаштирилишида режиссёр Тошхўжа Хўжаевнинг ўрни беқиёс. Шунингдек, актёр Ғани Аъзамов ушбу спектаклдаги Мўмин роли орқали шуҳрат қозонди. Бу ролда Ғани ака йиллар давомида яшади ва шу ном билан тарихда қолди. Кейинчалик

бу ролни бошқа актёрлар ўйнашга ҳаракат қилди, аммо ҳеч бири Мўминни Ғани ака даражасида ўйнай олмади. Мўмин халқ орасида Ғани ака тимсолида сақланиб қолди.

“Олтин девор” спектаклининг шуҳрат қозонишига сабаб унда умрбоқий муаммолар кўтарилган. Унинг яна бир ютуғи ушбу муаммолар кулги орқали берилиб, юморда халқ онгига сингдирилган. Асар маиший мавзуда, лекин спектаклда бачканалик йўқ. Шунинг учун халқ томонидан яхши кутиб олинган.

Ушбу спектаклни муваффақиятли саҳналаштирилишида режиссёр Т.Хўжаевнинг хизматлари катта.

Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” асари ҳам ўз даврида тазйиқларга учраган. Аммо ундаги кўтарилган муаммолар ўлмас мавзу бўлганлиги учун ҳозиргача яшаб келмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти

Рихси Иброҳимова

Эркин Воҳидов ижодига назар ташлар эканмиз, унинг бири-биридан гўзал шеърлар, фалсафий дostonлар, драматик асарлар муаллифи эканлигининг гувоҳи бўламиз. У серқирра ижод соҳибларидан бири саналади. Эркин аканинг “Олтин девор” асари асосида саҳналаштирилган спектаклдаги Дилором ролини мен ҳам ижро этганман. Спектаклни муваффақият қозонишида режиссёр Тошхўжа Хўжаев, маҳоратли актёр Ғани Аъзамов билан бир қаторда драматург Эркин Воҳидовнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Спектаклни саҳналаштириш жараёнида у киши доимо, биз билан ижодий

ҳамкорликда бўлганлар. Режиссёр Тошхўжа Хўжаевнинг то ролимиз улар айтган даражада чиқмагунча, такрор-такрор биз билан ҳам ишлаши, ҳар бир актёрни ўз топилмаси борлигини уқтиришлари, уларнинг ҳақиқий талабчан режиссёрлигидан дарак беради. Мен оқшомлари ролим устида ишлаб, янги топилмалар яъни кичик деталлар излаб топишга ҳаракат қилардим. Устозимиз Тошхўжа Хўжаев актёр билан ишлашда, унга биров ижод қилишга эркинлик яратиб беришини барча театр ижодкорлари билишарди. Улар актёрни қотиб қолмасдан, фикрлашга, ўзи ҳам режиссёрга репетиция жараёнида янгилик қилишга ундардилар. Устоз мактаби ўта серқирралиги, кенг фикрлаши, жамоа билан иложи борица қанақа ҳолат бўлмасин, биринчи навбатда муомала маданияти ниҳоятда кучли бўлиши кераклиги барчамизни эътиборимизни қаратар эди. Актёрлар гуруҳи билан “Олтин девор” комедияли асар устида бир оила бўлиб ишлаганимиз, кечагидек эсимда. Ғани аканинг ўзи бир тиниб-тинчимас изланувчан актёрлиги, шу спектаклда Мўмин образини 80 ёшларида ҳам ўйнаши биз ижодкорларни ғурурлантирарди, отахон театр номини оқлашга, театрга содиқ хизмат қилишга чорларди.

Тўғри, асарга бир қанча ўзгартиришлар киритилган, аммо спектаклда асарда Эркин Воҳидовнинг драматургиясига хослик сақланиб қолган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбек Миллий академик драма театрида тенгқурларим, ёшлар билан ижод қилаётганимдан жуда хурсандман.

Эркин Воҳидов бутун ҳаётини ижодга бағишлаган инсонлардан бири саналади. У кишини ҳам шоир, ҳам драматург сифатида эътироф этсак, муболаға бўлмас. Чунки, адибнинг қаламига мансуб “Олтин девор”, “Истамбул фожеаси” асарлари сахна шохсупасидан жой олди. Айниқса, “Олтин девор” комедияси бир неча йиллар мобайнида сахнадан тушмади. Албатта, асарнинг муваффақиятли сахналаштирилишида режиссёр Тошхўжа Хўжаев ҳамда Мўмин ролини маҳоратли ижро этган Ғани Аъзамовларнинг хизматлари катта. Спектакл сахналаштирилишидаги репетиция жараёнларида асар бадиий жиҳатдан янада сайқал топиб, мустаҳкам юксак поғонани забт этиши режиссёр, драматург ва актёрларнинг ижодий ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Эркин ака доим театр ижодий жамоаси билан ҳамнафас бўлганлар. “Олтин девор”га киритилган ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, ҳатто сўзларини режиссёр айтганидек қилиб ўзгартирар эди.

Умуман олганда, ушбу спектакль театримизнинг олтин меросига айланиб қолди. Эркин Воҳидовнинг драматургияси, режиссёр Тошхўжа Хўжаевнинг топилмалари ва Ғани Аъзамовнинг тенгсиз маҳорати шу даражага эришишига сабаб бўлди. Бугунги кунда ҳам “Олтин девор” сахналаштирилиши мумкин, албатта. Аммо, бунинг учун Ғани Аъзамов каби моҳир санъат устасини топиш зарур. Афсус, ҳозирда ҳеч бир актёрни Мўмин ролида ўйнай олишини кўз олдимга келтира олмайман. Бу асли Ғани ака учун яратилган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Мен “Олтин девор” спектаклида Қиличбек образини яратганман. У аслида милиция лейтенанти Анвар Мақсудов бўлиб, Қиличбек номи билан Саидмалик заргарнинг пинжиги кириб олади. Унинг барча қилган кирдикорларини очиш мақсадида яширинча иш олиб боради. Қиличбекни яъни Анвар Мақсудовнинг Мўмин ва Абдусаломларга мутлақо алоқаси йўқ. У фақат Саидмалик заргарнинг изига тушган холос. Аммо, Абдусаломнинг олтин масаласида Саидмалик заргарникига кириши Қиличбекнинг бу ишга аралашиб қолишига сабаб бўлади. Шу сабабли “Олтин девор” орқали ўзига юклатилган вазифани аъло даражада бажаришга муваффақ бўлади.

Менимча, бу асар ва унинг сахна талқинида Қиличбекнинг ўрни беқиёс.

Қиличбек образни минг маротаба талқин этганман. Ҳар бир ижрода Қиличбекнинг ўзгача, янги бир қиррасини очишга эришдим. Бу албатта, режиссёр Тошхўжа Хўжаев, актёрлар Ғани Аъзамов (Мўмин), Қаҳрамон Абдурахимов (Матлаб), Амин Турдиев (Абдусалом), актриса Сайёра Юнусова (Зухра), Икрома Болтаева (Шарофат)ларнинг катта ҳиссалари борлиги таҳсинга лойиқ. Биз аҳил ва иноқликда шу спектаклни ютуғли чиқишига ҳисса қўшганлигимиздан бениҳоят хурсандман. Ёнимиздаги шу улуғ устозлар кўрган санъаткорларимизга фақат соғлик тилайман. Чунки, улар ёрдамида ёш актёрларга устозлар тутган, ўргатган мактабдан сабоқ берамиз, йўл-йўриқ кўрсатамиз.

Эркин Воҳидовнинг шу даражада тарихга муҳрланган буюк комедияси “Олтин девор” йиллар, асрлар давомида ўзининг

долзарблигини ва ҳар бир образнинг серқирралигини абадий сақлайди.

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист Сайёра Юнусова*

Устозлар хотираси доим қалбимизда, уларни берган, ўргатган ўғитлари таҳсинларга лойиқ. Улар бир олам театр учун, унинг келажаги учун тинмай меҳнат қилган, театрга тамал тошини қўйишган десак муболаға бўлмас.

“Олтин девор”да ажойиб санъаткорлар гуруҳи билан ижод қилганимдан фахрланаман. Ҳар бир устозларнинг ўзи бир олам, уларнинг серқирра актёрлиги ролларида кўзга ташланади.

Эркин Воҳидовнинг “Олтин девори” айнан Миллий академик драма (олдинги Ҳамза) театрида қўйилганлигининг ўзи бир бахт.

Ғани Аъзамов спектакл жараёнида менга ҳам панд-насиҳатлар бериб, бошимни силар, ролим устида янги томошабинга ёқадиган сирли топилмаларни ўрганишимга куч берардилар. Тошхўжа Хўжаев қўлларида актёрлик сирларини уқдик, устозимиз бўлганидан фахрланса арзийдиган беназир инсон. Комедияда партнёрларим Ғани Аъзамов, Икрома Болтаева, Элёр Носиров, Эркин Комиловлардан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Айниқса, Икрома Болтаева бетакрор актриса эдилар, ҳир бир образи кенг таҳлил қилишга арзийди. Овозларини жарангдорлиги, кўз қарашлари, нима деяётганлигини кўзлари орқали ҳис қилардим. Она қиздек бирга ишлаганмиз. Бунда

актёрлар жуда қойилмақом даражада танланганлиги кўзга ташланади. Тошхўжа Хўжаев маҳорати атрофидаги кучли гуруҳдаги актёрлар талқинидан сезилиб туради. Мен биз актёрларни халққа танилишимизда ўз ижодлари билан чарчамаётган драматургларга, режиссёрларимизга театр актёрларига соғлиқ, омад, бахт ҳамроҳлари бўлишини тилайман.

“Олтин девор” халқ севган спектакл. Драматург Эркин Воҳидовнинг бутун қўшни давлатларга ҳам танилишига, эътиборли бўлишига асар моҳияти катта омад келтирди. Асар театримизнинг ютуғи ва бойлигидир.

Хулоса

Ўзбек драматургияси йиллар давомида турли тазйиқлар остида ривожланиб, жуда кўп тўсиқларга учради, маънавий етук асарларимиз мафкуравий хужумлар туфайли йўқ қилинди. Улардаги маърифатпарварлик ғояларини ўша давр сиёсатига қарши кўрсатиш орқали халқни бу асарларга бўлган эътиборини сўндиришга уриндилар. Аммо мустақиллик туфайли эришган ютуқларимиз миллий драматургиямизга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Истиқдол эркимизни, ғуруримизни ва энг асосийси, ўз-ўзимизга бўлган ишончимизни қайтариб берди. Ана энди бизга эркин нафас олган ҳолда ижод билан шуғулланишга имкон яратилди. Бундан унумли фойдаланган ҳолда самарали ижод қилиш драматургларимиздан тинимсиз меҳнатни талаб этади.

Эркин Воҳидов миллий адабиётимизнинг ёрқин юлдузи, асли Фарғоналик ижодкор, ўқитувчи оиласида ўсиб улғайган. Онаси билан Тошкентга 1945 йили кўчиб келишади ва ўрта маълумотни шу ерда олади. Турмушнинг оғир кунларини кечирган Эркинжон 14 ёшидаёқ “Манзара” номли шеърый китоби чоп этилади.

Э.Воҳидов Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультетини тугатган, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир, сўнг раҳбар бўлиб ҳам ишлаган. Ижодкорни “Тонг мадҳияси”, “Қўшиғим сизга”, “Ақл ва юрак”, “Инсон” шеърларида ҳаёт ҳақидаги тасаввури поэтик услубда кўзга ташланади. Ўқувчини мушоҳадага, теран фикрлашга ундайдиган

иждокорнинг шеърлари, дostonлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Эркин Воҳидовнинг айниқса, И.Гёте, С.Есенин, А.Блок, М.Светлов, А.Твардовский, Р.Ҳамзатовдан қилган таржималари, хусусан “Эрон тароналари” билан “Фауст” таржимаси адабиётимизда, маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Шоирнинг публицистик, адабий-танқидий мақолалари, суҳбатлари ва улардан ташкил топган “Изтироб” (1992) китоби муаллиф дунёқарашининг шаклланиш йўллари ақс эттирувчи ўзига хос кўзгу сифатида қимматлидир.

Драматургия йўналишида Эркин Воҳидовни битта юксак комедик асари “Олтин девор” уни бутун халқимиз ақлига танитди. Бу спектакл Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд ва бошқа қатор театрларда сахналаштирилган, аммо ҳеч бири Ғани Аъзамов ижросидаги “Олтин девор”га яқин йўлай олмаган. Ақсарият томошабинларнинг барчаси фақат Ғани Аъзамов ролини кўришга келишган.

Буни қарангки, асарни яралиш тарихи бироз эътиборимизни тортади. 1960 йилларнинг охирларида Эркин Воҳидовни Маданият бошқармасининг раҳбари, таниқли шоир ва драматург Туроб Тўла телефон орқали “Ялтада ёш драматургларнинг семинари бўлади. Борасанми?” Мен сени ёздириб қўйдим¹, дейдилар. Драматург ҳайрон бўлиб розилик беради, шу билан тайёргарлик ишларини кўра бошлайди. Маданият бошқармасига бирор пьеса қораламаси топшириш шарт бўлгани боис, Эркин Воҳидов нима ёзишини ўйлаб

¹ Театр журнаи., Эркин Усмонов драматург билан бўлган суҳбатидан., “Олтин девор” қандай яратилган эди?... 6-с., 2006й.,

қолади ва жуда қизиқ воқеа бирдан кўз олдида намоён бўлади. Ўша кезлари, Тошкентда катта зилзила оқибатида, эски уйлар бузилиб, янгилари тикланаётган давр бўлган. Қизиқ воқеалар оғиздан-оғизга ўтиб юрган пайтлари. Эски иморатлар бузилиб кўзачалар топилганмией, қимматбаҳо нарсалар чиққанмией, уларни топган эскваторчи, тракторчиларнинг кўпчилиги қонуний йўл билан давлатга топширмай яшириб, ўзаро бўлишган, сўнг қамалиб кетишган, каби гап сўзлар кўп тарқалган. “Шу мавзу атрофида бир пьеса ёзсам, ёзибман”, - деб драматург қоғозга “Олтин девор” қораламасини туширади. Уни топшириб, сафарга жўнаб кетади. Тақдирни қарангки, поездда режиссёр Тошхўжа Хўжаев ҳам сафар йўлдоши бўлади. Эркин Воҳидов гап орасида шу воқеадан сўз очганида режиссёр шу асар унга маъқул бўлганлигини ва бизнинг театрда олиб келинг бирга ишлаб сахнага олиб чиқамиз деган таклифни беради.

Эркин Воҳидов Тошхўжа Хўжаевни суҳбатдоши бўлиб биринчи мартаба гаплашиши, олдин у кишини ҳеч кўрмаган, аммо улар ҳақида кўп эшитган эди. Шу кундан бошлаб комедияга Эркин Воҳидовнинг ҳам қизиқиши ортиб, ишга киришади. Жуда кўп ижодий тўқнашув, баҳс мунозаралар асосида шу йирик комедия “Олтин девор” сахна юзини кўради. Асарни сахнага чиқишига жуда катта ҳисса қўшган режиссёр Тошхўжа Хўжаевнинг ҳиссаси ва меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Драматургнинг яна бир 1967 йилда ёзилган “Иккинчи тумор” драмаси, фақат мустақиллик йилларига келиб “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилди. (1997й.) Наманган театрида илк бора ёш ва изланувчан режиссёр Умид Мараҳимов

томонидан сахналаштирган. Асар томошабинни ички дунёсини очишга ёрдам беради, томошабинларни фалсафий мушоҳадага чорлайди. Айниқса, режиссёр жаҳон мумтоз музиқалардан фойдаланган.

Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят музиқали драма театри 2008 йили ўтказилган “Ёш режиссёрларнинг 2-республика кўрик фестивали” да “Иккинчи тумор” режиссёр Акмал Бойтўраев томонидан сахнага олиб чиқилади. Спектакл томошабин ва мутахассислар томонидан яхши қабул қилинади. Қилинган меҳнат самараси инобатга олиниб, Акмал Бойтўраев “Долзарб мавзудаги миллий драматургиянинг энг яхши режиссёрлик талқини учун” соврини билан мукофотланади.

Ижодий изланишлар туфайли юксак поғоналарни забт этган драматург Эркин Воҳидов ижоди эса ёш драматургларимиз учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Уларнинг етук асарлари асосида сахналаштирилган спектакллар эса инсон маънавиятини оширишга ўз ҳиссасини қўшса ажаб эмас.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда республикаимиз театрларида турли мавзу ва жанрларда кўплаб спектакллар яратилмоқда. Айни пайтда театр санъатимизда ҳам бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадиий юксак асарлар, афсуски, кам эканини тан олишимиз лозим. Аксинча, реал ҳақиқатдан йироқ, одамга катта маънавий озуқа бермайдиган асарлар билан театрлар кассасини тўлдириш ҳолатлари кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Албатта, ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти талабларини ҳам инобатга олиш керак. Лекин юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган асарлар яратиш-барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам асосий мезон бўлиши табиий. Бу мақсадга эришиш учун ёш ва истеъдодли драматург ва режиссёрлар, театр актёрларини тарбиялаб вояга етказиш, айниқса долзарб аҳамият касб этади.

Шундай экан, ўтмиш аجدодларимиз Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаев каби буюк инсонларнинг бизга қолдирган улкан меросидан бугунги кун театр санъатини ривожлантириш йўлида оқилона фойдалана олсак, нур устига аъло нур бўлиб, халқимиз қалбидан чуқур жой олар эдик.

Эркин Воҳидов санъат ҳақидаги қуйидаги фикрларига эътиборимизни қаратсак, “Юксак тоғ чўққисига чиқиб, кенгликка қарасангиз кўнглингиз аллақандай шукуҳ билан тўлади. Санъат мен учун ана шундай юксакликдир. Дунёнинг майда-чуйда ҳою ҳавасларидан баланд кўтарилишдир”¹. Демак, шоир ва драматург инсонларни эзгуликка, ҳаётни севишга, умид билан ҳаётга боқишга ундан унумли фойдаланишга ундагандек.

Хуллас, Эркин Воҳидов бадиий маҳорат жиҳатидан муттасил ўсиб, камол топган, чуқур фалсафий умумлашмалар даражасига кўтарилган ижодкордир. У Ўзбекистон халқ шоири, “Ўзбекистон қаҳрамони” ҳамдир.

Ушбу малакавий битирув ишида имкон қадар Эркин Воҳидов ижодининг кенг қамровли, серқирралиги билан танишишга ҳамда

¹ Воҳидов Э. билан суҳбат. “San`at”, 1991., 2-сон.

“Олтин девор”, “Истамбул фожеаси” асарларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Эркин Воҳидовнинг асл драматургияга таллуқли бўлган сахна асарларидан ташқари насрий асарларининг ҳам драматургияда тутган ўрнига алоҳида урғу қаратилди. Зеро, бу асарларда муаллифнинг ўзига хос қирралари, ижодий фазилатлари намоён бўлган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

Фармонлар, қарорлар.

1. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Тарих, маъри-фат, маънавият. Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1998 й.
2. Каримов И. Театр: Шарқ - Ғарб халқаро фестивал қатнашчиларига табриги. 1993 й. 23 октябрь. Гулистон, 1993 й.
3. Каримов. И. Истиқлол ва маънавият. Т.:1992 й.
4. Каримов. И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й.

Китоблар, журнал ва газета мақолалари

5. Абдусаматов Ҳ. Саҳна сардори. Т.: Шарқ нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2003 й.
6. Азизов Т. Менинг режиссёрлик ишларим.Т.: 2003 й.
7. Абдусаматов Ҳ. Шошма қуёш! Т.: Янги аср авлоди, 2004 й.
8. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 й.
9. БаяндиевТ, Икромов Ҳ, Аҳмаджонова М. Ўзбек театрида миллий ғоя талқини. Т.: 2009 й.
10. Исломов Т. Тарих ва саҳна. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998 й.

11. Воҳидов. Э. Шеър дунёси. Сайланма Биринчи жилд. Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001 й.
12. Воҳидов Э. Шеър дунёси. Сайланма Биринчи жилд. Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001 й.
13. Раҳмонов. М. Ҳамза театри тарихи. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001й.
14. Ризаев. Ш. Саҳна маънавияти. Т.: Маънавият, 2000 й.
15. Раҳмонов М , Тўлахўжаева М, Мухторов И. Ўзбек миллий академик драма театри тарихи. Т.: 2003 й.
16. Ризаев. О. Наби Раҳимов. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997 й.
17. Турсунов Т. Саҳна ва замон. Т.: Янги аср авлоди, 2007й.
18. Турсунов Т. XX – аср ўзбек театри тарихи. Биринчи ва иккинчи китоблар. Т.: 2009 й., 293-б.
19. Турсунов Т. Турғун Азизов. Т.: 2004 й.
20. Турсунбоев С. Театр тарихи. Т.: 2005 й.
21. Қодиров М. Анъанавий театр драматургияси. Т.: Янги аср авлоди, 2006 й.
22. Қодиров М. Ўзбек театри анъаналари. Т.: 1976 й.
23. Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. Т.: 1973 й.